

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТИЖОРАД БАНКЛАРИДА МИКРОМОЛИЯВИЙ ХИЗМАТ КУРСАТИШ

Муродова Диноза Чориевна

Тошкент молия институти, докторант

Хушбокова Севинч Баходировна

Тошкент молия институт талабаси

Ҳозирги даврда, Ўзбекистон Республикасида Тижорат банклари фаолиятида ривожланиб ҳуқуқий асослар ҳам такомиллашиб бормокда Тижорат банклари томонидан микромолиявий хизмалрни курсатишда кредитлашнинг бирламчи қонунчилки асослари бўлиб, қуйидагилар меъёрий ҳужжат ҳисобланади:

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси.
2. Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисидаги қонун.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонуни<sup>1</sup>.

Ундан кейинги ўринда иккиламчи меъёрий-ҳуқуқий асос бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига молиявий хизматлар кўрсатишга, шу жумладан, микромолиявий хизматлар кўрсатишга оид бўлган Фармонлари ва Қарорлари туради. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 январдаги ПҚ-2746-сонли “Кичик ва хусусий тадбиркорликни микрокредитлаш тизимини янада кенгайтириш ва соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида имтиёзли микрокредитлашнинг асосий вазифалари белгилаб берилди (кичик тадбиркорлик, энг аввало, оилавий ва хусусий тадбиркорлик соҳасида янги иш ўринлари ташкил этиш; имтиёзли кредитлар бериш орқали ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасалари битирувчилари, муддатли ҳарбий хизматдан қайтган жисмоний шахслар, меҳнат органларида рўйхатга олинган банд бўлмаган фуқаролар, оилавий ва хусусий тадбиркорлик билан

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. – Тошкент: Адолат, 2007. – 520 б.; Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги қонуни. 2019 йил 11 ноябрь. 154-И-сон. Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш ва тижорат банклари фаолиятини тартибга солишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. –Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 11-33-б.; Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуни. 2019 йил 5 ноябрь. 216-И-сон. Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш ва тижорат банклари фаолиятини тартибга солишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. –Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 34-51-б.



шуғулланаётган аҳоли, шунингдек, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тавсияномалари бўйича ишга жойлашишга эҳтиёжманд бўлган бошқа шахслар учун уларни тадбиркорлик фаолиятига фаол жалб этиш мақсадида микромолиявий хизматлардан осон фойдаланишларини максимал даражада таъминлаш; аҳолининг кам таъминланган ва ҳожатманд қатламлари даромадларини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлашда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ролини кучайтириш)<sup>2</sup>.

Бозор иқтисодиёти шароитида банклар вақтинчалик айланма маблағларга муҳтож корхоналарни кредитлаш вазифасини ҳам амалга оширади. Бозор иқтисодиётини кредит бозорисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки, саноат ва қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантиришда кредит муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистон Республикасининг “Микромолиялаш тўғрисида”ги қонунида (2006 йил 11 июнь) микрокредит, микроқарз ва микролизингнинг шартлари белгилаб берилган<sup>3</sup>.

Микромолиялаш тўғрисида”ги Қонунга ўзгаришлар киритилган bo’lib unga ko’ra:

микрокредит қарз олувчига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун 300 миллион сўм миқдоридан ошмайдиган мутлақ қийматда бериланди шунингдек, микроқарз банклар ва микрокредит ташкилотлари томонидан жисмоний шахс бўлган қарз олувчига 50 миллион сўмдан ошмайдиган мутлақ қийматда берилиши ва микролизинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун 600 миллион сўмдан ошмайдиган мутлақ қийматда берилиши белгиланди.

Мазкур қонун республикада аҳолининг ва тадбиркорлик субъектларининг микромолиявий хизматларга бўлган эҳтиёжини қондириш, шунингдек, тўлов қобилиятини ошириш ва уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ҳамда кўрсатилаётган микромолиявий хизматлар ҳажмининг ошишига ёрдам беради. Шуниси аҳамиятлики, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июндаги ПҚ-3777-сонли “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги қарорининг қабул қилиниши қишлоқ хўжалиги ишлаб

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 январдаги ПҚ-2746-сонли Қарори. Кичик ва хусусий тадбиркорликни микрокредитлаш тизимини янада кенгайтириш ва соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – №6. – 71-модда.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Микромолиялаш тўғрисида”ги қонуни. 2006 йил 11 июнь. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 37-38-сон, 369-модда; 2013 й., 1-сон, 1-модда; 2014 й., 36-сон, 452-модда.



чиқарувчиларига кўрсатиладиган микромолиявий хизматлар ҳажмини ошириш имконини беради<sup>4</sup>.

Мазкур Қарорга мувофиқ, мамлакатимизнинг ҳар бир туман ва шаҳрида, энг аввало олис ва табиий-иктлим шароити оғир ҳудудларда аҳолининг моддий шароитларини тубдан яхшилаш, турмуш тарзи сифати ва даражасида сезиларли ижобий ўзгаришлар амалга оширилишини таъминлашга қаратилган “Ҳар бир оила-тадбиркор” дастури амалга оширилади.

“Ҳар бир оила-тадбиркор” дастурининг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланган:

– тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёзли кредитлар ажратиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишнинг ҳар бир босқичида мутасадди идоралар томонидан тизимли амалий ёрдам кўрсатилишини таъминлаш;

– тадбиркорлик ва даромад келтирадиган меҳнат фаолияти билан шуғулланмаган аҳолига тадбиркорлик кўникмаларини ўргатиш ва тегишли фаолият турини ташкил қилишга амалий ёрдам кўрсатиш;

– касаначилик ва кичик ҳажмда ишлаб чиқарувчи субъектларни (микрофирмаларни) ташкил этиш учун молиявий ёрдам бериш орқали аҳолига қўшимча даромад ишлаб топиш имкониятини яратиш;

– қишлоқ ва маҳаллаларнинг ихтисослашувини (хунармандчилик, тикувчилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг айрим турларини етиштириш, ихчам иссиқхоналар ташкил қилиш ва бошқалар) ҳисобга олган ҳолда, мазкур соҳада ижобий натижаларга эришган ишбилармонлик тажрибасига эга тадбиркорларни маҳаллаларда янги бизнес фаолияти билан шуғулланишни бошлаган оилаларга бириктириш – мини – кластерлар ташкил этиш;

– жойларда оилавий тадбиркорликка кўрсатиладиган хизматлар кўламини тубдан кенгайтириш, тадбиркор оилаларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотлари савдосини ташкил қилувчи бозор инфратузилма объектлари, хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчаларини барпо этиш.

Шунингдек, Президентнинг 3777-сонли Қарорида тижорат банклари томонидан бериладиган имтиёзли кредитларнинг қуйидаги шартлари белгилаб берилди:

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 2018 йил 7 июнь. ПҚ-3777. “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида//ҚХММБ: 07/18/3777/1325-сон.



– энг кам иш ҳақининг юз эллик бараваригача миқдорда – оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар раҳбарлари ва маҳалла фуқаролар йиғини тавсияномалари;

– энг кам иш ҳақининг минг бараваригача миқдорда – белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган кичик тадбиркорлик субъектларига учинчи шахс кафиллиги, суғурта полислари, кредит ҳисобига сотиб олинаётган мол-мулклар гарови, Жамғарманинг кафиллиги ва қонун ҳужжатларида доирасидаги бошқа таъминот турлари;

– энг кам иш ҳақининг минг бараваридан ортиқ миқдорда – тадбиркорлик субъектларининг инвестициявий лойиҳаларини кредитлашда қонун ҳужжатлари доирасида белгиланган таъминот турларига асосан ажратилади. Мазкур имтиёзли кредитлар ишбилармонлик қобилиятига эга бўлган субъектлар учун дастлабки сармояни шакллантириш имконини беради ва тадбиркорлик фаолияти ривожда муҳим ўрин тутди.